

БАДИЯ - (арабча- мислсиз яигилик; нафис, гўзал сўздан олинган) йирик санъаткорлар, олимлар, адиб ва адабиётшунослар, бир сўз билан айтганда, ижод ва ижодкорлар хақида яратилган у кадар катта хажмга эга бўлмаган бадиий-публицистик асар. Бадида тасвирланаётган воқеа-ходисага, бадиий тадқиқ қилинаётган шахс характерининг у ёки бу жихатига муаллиф муносабати ошқор сезилиб туради. Натижада бадиа гоёси аксарият холда асар тўқимасп ва уни ташкил қилган қомионентлар воситасида эмас, балки муаллиф қузатувларининг хулосаси сифатида намоён бўлади. Узбек илмий-адабий ва бадиий тафаккурининг йирик намояндалари Алишер Навоий, Бобур, Увайсий, Фитрат, А.Авлоний, Чўлион қабиларнинг қатор асарларида бадиага хос белги ва хусусиятлар мавжуд эди. Утган асрнинг сўнгги чорагига қелиб, бадиа миллий адабиётимиз бағрида мустақил жанр сифатида бўй қўрсата бошлади. А.Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиров ва Ш.Қолмирзаев, Иброҳим Гафуровлар қаламига мансуб бадиалар ушбу жанрнинг том маънодаги намуналари саналади.